Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 59 (20. 626) • 1990 йил 12 март, душанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси

10 март куни Кремлда М. С. Горбачев раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари учинчи Съезди ишини ташкил қилиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

СССР Олий Совети Президиумининг Съездни тайёрлаш комиссиясининг иш якунлари чиқарилди. Бу масала юзасидан комиссия раиси, СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов сўзга чиқди. Президиум Съезднинг кун тартиби ва иш тартиби, шунингдек унинг ишчи органлари таркиби юзасидан комиссия билдирган таклифларни маъқуллади.

Мажлисда давлат турмушига даҳлдор бошқа айрим масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДА

МОСКВА, 11 март. (ТАСС.). Бугун Кремлда эрталаб соат 10 да КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилди.

Тушдан аввал икки масала: «СССР Конституциясининг 6- ва 7-моддалари юзасидан СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари Съездига таклифлар киритиш тўғрисида»ги, шунингдек «КПССнинг XXVIII съездини чақириш, партияда ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш муддатлари, ваколат нормаси ва съезд делегатларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги масалалар муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьев, Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси А. Жумағулов, Қозоғистон Компартияси Жамбул область комитетининг биринчи секретари С. М. Бойжонов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ички ишлар министри В. В. Бакатин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Тула область комитетининг биринчи секретари Ю. И. Литвинцев, СССР адлия министри В. Ф. Яковлев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ВЦСПС секретари В. М. Мишин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг Польша Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. И. Бровиков, КПСС платформасига амал қилувчи Литва Компартияси муваққат Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Н. Швед, КПСС Марказий Комитетининг секретари, «Правда» газетасининг бош муҳаррири И. Т. Фролов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, Белоруссия Компартияси Гродно область комитетининг биринчи секретари В. М. Семенов, СССР Фанлар академияси иқтисодиёт бўлимининг академик секретари вазифасини адо этувчи С. С. Шаталин қатнашдилар.

Тушдан кейин КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирди.

Пленумда КПССдан СССР халқ депутатлигига сайлов ўтказилади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

«СССРда Мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш ҳақида

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонуни 1990 йил 1 июлдан кучга киритилсин.

2. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунлари «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштириб олингунга қадар ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг амалдаги Қонун ҳужжатлари қўлланилаверади, чунки улар мазкур Қонунга зид эмас. Шу билан бирга СССР ҳукуматининг, иттифоқдош ва автоном республикалар ҳукуматларининг Қонунга биноан фақат Қонун актлари билан тартибга солинадиган ва ушбу Қонун кучга киритилгунга қадар чиқарган қарорлари тегишли Қонун актлари қабул қилингунча амал қилаверади.

3. «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонуни ушбу Қонун кучга киритилгандан кейин вужудга келган қонуний муносабатларга нисбатан, яъни 1990 йил 1 июлдан қўлланилади.

1990 йил 1 июлгача вужудга келган қонуний муносабатлар юзасидан «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонуни ушбу Қонун кучга киритилгандан кейин вужудга келган ҳуқуқлар ва вазифаларга нисбатан қўлланилади.

Ушбу Қонун 7-моддаси 2-бандининг қоидалари 1990 йил 1 июлдан аввал ҳам, кейин ҳам вужудга келган қонуний муносабатларга жорий этилади.

4. «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонунининг давлат мулкига: умуминиттифоқ мулкига, иттифоқдош республикаларнинг, автоном республикаларнинг, автоном областларнинг, автоном округларнинг мулкига, коммунал мулкка даҳлдор қоидалари мулкнинг мазкур турлари бир-биридан фарқланишига қараб кучга киради.

СССР Министрлар Совети 1991 йил 1 июлгача иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари билан биргаликда ва автоном республикаларнинг иштироки билан умуминиттифоқ мулки билан иттифоқдош республикаларнинг мулкини бир-биридан фарқлашни таъминласин. Бунда республика қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мулкидан ташқари иттифоқ қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг иттифоқдош республика мулки қилиб топширилиладиган мулк ҳам иттифоқдош республиканинг мулкига кириши кераклигига асосланиб иш тутилсин.

Белгилаб қўйилсинки, иттифоқдош республиканинг мулки билан шу республика таркибига кирувчи автоном республикалар, автоном областлар, автоном округлар ва маъмурий-территориал тузилмаларнинг мулкини бир-биридан фарқлаш ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўзда тутилган принципларга биноан иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

5. «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ суд ва давлат ҳакамлиги ихтиёрига топширилган ҳамда 1990 йилнинг 1 июлигача маъмурий ва бошқа органларда кўриб тугалланмаган ишлар судлар ва давлат ҳакамлиги идоралари томонидан белгиланган тобеликка мувофиқ кўриб чиқилиши лозим.

6. «СССРда Мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонунининг 32—34-моддаларида кўзда тутилган мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоидалар ушбу Қонун кучга киритилишидан аввал вужудга келган талабларга ҳам жорий этилади.

Қонуннинг 31-моддаси 2-бандида мулк ҳуқуқини тўхтатувчи Қонун ҳужжати қабул этилиши билан мулкдорга етказилган зиён учун товон ундириб олиш ҳуқуқи ушбу Қонун кучга киритилгандан кейин қабул этилган ҳужжатларга нисбатан қўлланилади.

7. СССР Министрлар Советига:

1990 йилда СССР Олий Советининг муҳокамасига:

ихтиролар ва кашфиётларни, фан, адабиёт ва санъат асарларини ҳамда ақлий мулкнинг бошқа объектларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланишга оид муносабатларни тартибга соладиган СССР Қонун ҳужжатларининг;

давлат ва жамоат хавфсизлиги мулоҳазаларига кўра ёки СССРнинг халқаро шартномаларига биноан гражданларнинг мулки бўлиши мумкин бўлмаган мулк турларини белгилайдиган Қонун ҳужжатининг;

акционерлик жамиятлари, бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ҳақидаги Қонун актларининг лойиҳаларини киритиш;

1990 йил 1 июлгача СССР Олий Советига умуминиттифоқ ихтиёридаги мулкни бошқаришга вакил қилинган давлат органини вужудга келтириш тўғрисидаги таклифларни тақдим этиш;

1990 йил 1 июлгача СССР ҳукуматининг қарорларини «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштириб олиш;

1990 йил 1 июлгача СССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари ўзларининг мазкур қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини, шу жумладан йўл йўриқларини кўриб чиқиши ва бекор қилишини таъминлаш;

1990 йил 1 июлгача ССР Иттифоқининг Қонун ҳужжатларини «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисидаги таклифларни СССР Олий Советига тақдим этиш топширилсин.

8. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириб олсинлар.

СССР Олий Советининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 6 март.

(«СССРда Мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонуни матни газетанинг 2- ва 3-саҳифасида эълон қилинмоқда).

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ—ҚАЙТА ҚУРИШГА

Хайрли ишлар

Жумҳуриятимиз иқтисодиёти ва одамлар турмушини яхшилаш йўлида жиддий қадамлар қўйиляпти. Қишлоқ жойларида томорқа ерларини кенгайтириш, олинаётган фойданинг маълум бир қисмини хўжаликларни ободонлаштириш ва маданий марказлар қурилишига сарфлаш сингари ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Халқимиз бундай хайрли тадбирларни маъқуллаб кутиб олди, уни қўллаб-қувватлаётир.

Усмон Юсупов ноҳиясидаги Ульянов номли совхоз ҳаёти мисолида ҳам бунн яққол кўриш мумкин. Сўнгги йиллардаги ўзгаришлар кишини қувонтиради.

Бундан уч йил муқаддам хўжалик аҳволи оғир эди. Давлат олдидаги қарз 5,5 миллион сўмни ташкил этди. Табиийки, қишлоқни ободонлаштириш, маданий марказлар қурилиши соҳасида сўз ҳам очилмади.

Хўжаликка янги раҳбар тайинланди. У дастлабки кунларданоқ меҳнат аҳли билан баҳамжиҳат иш тутди: қад ростлаш учун бажариладиган ишлар режасини тузди. 1987 йили дастлабки қувонарли натижалар қўлга киритилди. 182 минг сўм фойда олинди. Утган йили олинган фойда 1 миллион сўмга етди.

Далалардаги қайноқ меҳнат қурилиш жабҳасига ҳам кўчди. Янги уй-жойлар қад ростлади. Совхоз маблағи ҳисобига уч йил мобайнида 40 та коттеж қурилди. 145 оила аъзолари эса шахсий уйлар қуриб, ҳовли тўйларини ўтказди. Мактабгача болалар муассасалари қурилишига эътибор кучайтирилди. Иккита мактаб қурилди, йўллар асфальтланди, хонадонлар газлаштирилди. Хуллас, совхоз иқтисодиёти эмас, қишлоқ меҳнатчиларининг турмуш фаровонлиги ҳам юксалди.

Тадбиркор ва ишбилармон раҳбар — Муродилла Саидовга ҳамқишлоқлари катта ишонч билдиришди. У Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Сайловлар куни унга яқдиллик билан овоз берилди. М. Саидов 228-Усмон Юсупов сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутати қилиб сайланди.

Депутат сифатида тўпланиб қолган муаммоларни тезроқ ҳал этишда ўз куч-ғайратимни аямайман, — дейди М. Саидов. — Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, ёшларимизни ҳар томонлама жисмоний ва маънавий камол топтириш сингари масалаларга эътиборни қаратмоқдаман. Пахтачилик соҳасида эса яна дадил одимлар ташламоқчимиз. Пахта етиштириш учун сарфланадиган харажатнинг камайтириш йўлларини изламоқдамиз.

Суратларда: (юқорида) М. Саидов набираси Абдумалик билан; қишлоқ кўчаларининг бугунги жамоли кишн кўзини қувонтиради.

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар.
(ЎзТАГ).

ИЛҒОР ТАЖРИБАДАН ФОЙДАЛАНИБ

Боғот тўқимачилик фабрикаси коллективи газламанинг янги турини тайёрлашга киришди. Анъанага кўра, бундай маҳсулотни ишлаб чиқариш ёш, шу билан, бирга тажрибали тўқувчи Р. Отамуродовага ишониб топширилди. Тармоқ нормасидагидан бир ярим баравар кўп — ўттизта станокда ишлаб, у биринчи куниёқ смена топшириғини оширибжажарди.

Рўзигул Отамуродова фабрикада бор-йўғи учинчи йил ишламоқда: Лекин шу вақт ичида у хом газлама тайёрлашнинг барча усулларини ўрганиб олди. Техникани яхши билиш, станокларни айланиб чиқишнинг пухта ўйланган маршрути унинг учун муҳим резерв бўлиб хизмат қилмоқда. Айтганча, у ўз тўқув машинасини мустақил созлайди.

Илғор тўқувчи ўтган йил планини октябрь ойидаёқ уддалаган эди. Ҳозир у июнь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Фабрикаанинг ўнлаб бошқа ишчилари ҳам жадал график асосида ишламоқдалар. Бу шунинг учун ҳам муҳимдирки, меҳнат унумдорлиги ўсиб борган тақдирдагина ўзини ўзи пул билан таъминлаш принциплари асосида ишлаш салмоқли самара бериши мумкин.

(ЎзТАГ).

Муаммоларни биргаликда осойишталик ва ақл-идрок билан ҳал этайлик!

РАВО КЎРМАЙМАН

Маҳалламиз тинч-осойишта. Кўни-қўшниларни ишга кетаётганда, ишдан қайтаётганда кўриб қоламан. Шанба ё якшанбада учрашиб суҳбатлар қурамиз. Лекин ишхонага бордик дегунча, бирнибиридан фарқ қилмайдиган олди-қочди гаплар қулоққа чалинади. Биламан, бу гаплар таг-заминсиз. Лекин кўнгилни ғаш қилади, одамларни ишдан чалғитади.

Уч-тўрт ёши улуғроқлар бу ҳақда мулоҳаза юритдик. Шу мулоҳазаларни умумлаштирганда нима дейиш мумкин? «Митинг бўлармиш» деган миш-мишлар биринчи галда босиб ололмаган енгилтаклардан чиқади. Шу таҳлитдаги гап-сўзлар кўпинча аламзадалар томонидан, амалга ўч кишилар томонидан тўқиб чиқарилади.

Митинг бўлди ҳам дейлик. Улар нима даъво қилишлари маълум. Халқнинг моддий қийинчилиги ҳақида ҳаммага маълум «дард»ларни бақириқ-чақириқ билан тўкиб соладилар. Бундай митингдан нима фойда! Ахир жумҳуриятимиз партия ва ҳукумати аҳволдан бохабар, ўзининг Ҳаракат дастурида қилинадиган ишлар режасини тузиб олди. Бу режалар ўз маромн билан амалга оширилиятпи. Ер ажратиб бериляпти, камқон аёлларни қўшимча озиқлантиришга маблағ ажратилди, мактаб болаларига бепул нонушта бериш расм бўлди. Пахта экини қисқармоқда. Пахтага тўланадиган ҳақ кўпайтирилди.

Булар ҳали Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг дастлабкилари. Қолганлари имконга қараб амалга ошишига биз, ишчилар-хизматчилар ишониб турибмиз. Ҳар бир иш секин-аста амалга ошади. Лекин шунда ҳам гап билан эмас, орзу-умидлар фидокорона меҳнат эвазига рўёбга чиқади. Меҳнат қилишдан, бунёдкорлик ишларидан ўзини четга олиш ярамайди. Ўз иш жойида ишлаш, сифатли маҳсулот тайёрлаш ўрнига гапбозлик, митингбозлик билан шуғулланишни ўзини билган, доно, заҳматкаш одамларга раво кўрмайман. Бундайларни эл суймайди.

З. ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Тошкентдаги «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси хизматчиси.

БАРАКА АҲИЛЛИКДА

Табиат уйғонмоқда. Кўкламнинг илиқ шабадаси Тоз яйловларида меҳнат қилаётган чўпонлар қалбига бир олам қувонч, орзу умидлар олиб келди. Кундан-кунга яшил либосга бурканаётган адирларни қўй-қўзиларнинг овози тутган. Шу кунларда чўпонлар учун энг масъулиятли — қўзилатиш мавсуми бошланди.

Биз — чўпонлар олдимиздаги улуғвор вазифаларни ёруғ юз билан бажариш учун ҳозир кечаю-кундуз тиним билмай ишлашимиз лозимлигини яхши биламиз. Эл олдида юзимиз ёруғ бўлиши учун қўзилатиш мавсумининг машаққатларини чидам билан енгишга одатланганмиз.

Бироқ бизни бир нарса ташвишга солади. Кейинги пайтларда жумҳуриятимиз анча нотинч бўлиб қолди. Турли митингбозликлар, миллатлараро низолар туфайли ўлкамизнинг у ер-бу ерида чиқаётган жанжаллар кайфиятимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бўка ва Паркент районларида бўлиб ўтган тўс-тўполонларни эшитиб безовта бўлдик. Бир нарсага ишончимиз комилки, бу жанжаллар ўзбек, ва месхети туркларининг оддий меҳнаткаш оммаси учун сира-сира кераги йўқ. Халқ орасида нотинчликни қўзғатишдан манфаатдор бўлган бир гуруҳ қалби нопок одамлар бор деб ўйлаймиз. Уларни топиб жазолаш лозим.

Шу нарса аёнки, республикамиздаги мавжуд иқтисодий, социал маиший муаммоларни митингбозликлар, иш ташлашлар билан ҳал қилиб бўлмайди. Бу муаммоларни бизга бошқа бировлар келиб бажариб ҳам бермайди. Ҳар қандай муаммо самарали меҳнат, масъулиятли ҳаракат орқали, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан ҳал қилинади. Шу боисдан ҳам қуруқ сафсатабозлик

ҲАМЖИҲАТЛИК ЯХШИ

Ўлкамизда баҳор кезмоқмоқда. Она табиат яшил либосга бурканиб, кексаю ёшни ўз қучоғига чорламоқда. Ўлкамиз яшил бойлигини кўпайтириш ниятида нав-ниҳоллар экиляпти. Ариқлар тартибга келтирилмоқда, шаҳар ва қишлоқларни, аҳоли яшаш жойларини, маҳаллаларни ободонлаштириш ишлари авжида. Халқимизнинг анъанавий байрами Наврўзга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ана шундай пайтда айрим кишилар митингбозлик қилиб, сафсатабозлик билан шуғулланмоқдалар. Ҳаётга фақат қора кўзойнак орқали қараб, баъзи одамларнинг қимматли вақти беҳуда кетишига сабаб бўлмоқдалар.

Ахир митингбозлик билан қорин тўймайди-ку! Унинг ўрнига фойдали иш билан шуғулланиб, ҳар ким ўз жойида ўз вазифасини сидқидилдан бажаргани маъқул.

Келинг, турмушдаги қийинчиликларни ақл билан, бамаслаҳат, ҳамжиҳатлик билан бартараф этайлик.

Ш. МАҲМУДОВ,
Улуғ Ватан урушн қатнашчиси.

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

ЖИЗЗАХ, 10 март. (ЎзТАГ). Бу ерда янги тузилган халқ депутатлари Жиззах область Советининг ташкилий сессияси бўлиб ўтди.

Жиззах область партия комитетининг секретари Х. Аширқулов область Советининг раиси этиб сайланди. У. Олимов область Совети ижроия комитетининг раиси этиб тасдиқланди.

Сессия ишида Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Э. Турсунов иштирок этди.

* * *

ФАРҒОНА, 10 март. (ЎзТАГ). Янги чақириқ халқ депутатлари Фарғона область Советининг бўлиб ўтган биринчи сессиясида ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Йўлдошев халқ депутатлари область Советининг раиси этиб сайланди. Г. Фозилов область ижроия комитетининг раиси этиб тасдиқланди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Т. Я. Шарипов иштирок этди.

* * *

НАМАНГАН, 10 март. (ЎзТАГ). Янги чақириқ халқ депутатлари Наманган область Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов халқ депутатлари область Советининг раиси этиб сайланди. Б. Ҳакимов область ижроия комитетнинг раиси этиб тасдиқланди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков иштирок этди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг СССРда МУЛКЧИЛИК ҚОНУНИ ТЎҒРИСИДА

I бўлим.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Мулк ҳуқуқи**

1. СССРда мулк ҳуқуқи тан олинади ва қонун билан муҳофаза этилади.

2. Мулкдор ўзига тегишли мулкка ўзи хоҳлаганича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.

Мулкдор ўз мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни қилишга ҳақлидир. У мулкдан қонун томонидан тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга оширишда фойдаланиши мумкин.

3. Қонунда кўзда тутилган ҳолларда, шароитларда ва доираларда мулкдорнинг зиммасига бошқа шахсларнинг унинг мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйиш вазифаси юклатилиши мумкин.

4. Мулкдор ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган шароитларда ва доираларда ўзига тегишли мулк ҳуқуқини амалга ошириш вақтида гражданларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида улар билан шартномалар тузишга ҳақлидир.

Гражданнинг меҳнатидан фойдаланишга асос бўлган мулк шаклидан қатъи назар унга амалдаги қонунларда кўзда тутилган меҳнат ҳақи ва шароитлари, шунингдек бошқа иҳтимоий-иқтисодий кафолатлар таъминланади.

5. Мулк ҳуқуқининг амалга оширилиши атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, гражданлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузмаслиги керак.

6. Мулкнинг ҳар қандай шаклидан фойдаланилиши ходимнинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашувини ва одам одамни эксплуатация қилишини истисно этиши лозим.

2-модда. **ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг мулкчилик тўғрисидаги қонунлари**

1. СССР Конституциясига мувофиқ ушбу Қонун билан ССР Иттифоқининг бутун территориясида амал қилувчи мулкчилик тўғрисидаги асосий қоидалар белгиланади.

2. Ушбу Қонунда кўзда тутилмаган мулкчилик муносабатлари шунга мувофиқ равишда ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар чиқарадиган қонун ҳужжатларида тартибга солинади.

3. Тарих ва маданият ёдгорликларига мулкчилик ҳуқуқини амалга ошириш хусусиятлари ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг махсус қонунлари билан белгилаб берилади.

4. Ихтиролар, кашфиётларни, фан, адабиёт, санъат асарларини ва ақлий ижоднинг бошқа объектларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш хусусидаги муносабатлар ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг махсус қонунлари билан тартибга солинади.

3-модда. **Мулк ҳуқуқи объектлари**

1. Ер, унинг ости, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, иморатлар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, моддий ва маънавий маданият буюмлари, пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар мулк бўлиши мумкин.

2. Мол-мулкдан хўжаликда фойдаланиш натижалари (маҳсулот ва даромадлар), қонун ёки шартномада бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, шу мол-мулк эгасига тегишлидир.

4-модда. **Мулк ҳуқуқи субъектлари. Мулк шакллари**

1. СССРдаги мулк совет гражданларининг мулки, жамоа ва давлат мулки шаклида намоён бўлади.

СССРда ажнабий давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг, ажнабий ҳуқуқий шахслар ва гражданларнинг мулки мавжуд бўлиши мумкин.

2. Гражданларнинг, ҳуқуқий шахсларнинг ва давлатнинг ихтиёридаги мол-мулкни бирлаштиришга ва шу асосда аралаш мулк шаклларини, шу жумладан, совет ҳуқуқий шахслари ҳамда ажнабий ҳуқуқий шахслар ва гражданлар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг мулкини ҳосил қилишга йўл қўйилади.

3. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун актларида ушбу Қонунда кўзда тутилмаган ўзгача мулк шакллари белгиланиши мумкин.

4. Мол-мулк, мулк шаклидан қатъи назар умумий (улуш ёки қўшма) мулк ҳуқуқи билан айни вақтда бир неча шахсга қарашли бўлиши мумкин.

5. Давлат мулкнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитни яратиб беради ва уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлайди.

5-модда. **Мулкдорнинг мол-мулкига жарима солиш**

1. Ҳуқуқий шахснинг мажбуриятларига биноан мулк ҳуқуқи ёки тўла хўжалик юритиш, шунингдек оператив бошқарув ҳуқуқи билан унга тегишли бўлган ҳар қандай мол-мулкка жарима солиниши мумкин, ушбу Қонуннинг 26-моддасида кўзда тутилган ҳолат бундан мустаснодир.

Мулкдор ўзи тузган ҳуқуқий шахсларнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, бу ҳуқуқий шахслар эса мулкдорнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун актларида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустаснодир.

2. Гражданлар ўз мажбуриятлари юзасидан мулк ҳуқуқи билан ўзларига тегишли бўлган мол-мулк билан жавоб берадилар.

Гражданларнинг қарз берганлар даъволарига биноан жарима солиниши мумкин бўлмаган мол-мулкларининг рўйхати иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун актларида белгилаб қўйилади.

II бўлим.

СССР ГРАЖДАНЛАРИНИНГ МУЛКИ

6-модда. **Гражданларнинг мулки тўғрисидаги умумий қондалар.**

1. Гражданларнинг мулки уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иштирокидан, ўз хўжалигини юритишдан тушган меҳнат даромадлари ҳамда қарз берувчи муассасаларга бериб қўйган маблағларидан, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлардан, меросга мол-мулк олишидан ҳамда Қонун йўл қўйдиган бошқа асослар юзасидан тушган даромадлар ҳисобига вужудга келади ва кўпаяди.

2. Граждан ўзининг унумли ва ижодий меҳнат қобилиятларини тасарруф этиш юзасидан алоҳида ҳуқуққа эгадир.

Граждан бу ҳуқуқни мустақил равишда ёки меҳнат шартномаси асосида амалга оширади.

3. Граждан ўзи меҳнат шартномасига биноан ишлаб турган корхона, бошқа хўжалик ташкилоти, деҳқончилик ёки бошқа меҳнат хўжалиги, мол-мулкига мулкдорнинг розилиги билан пул улуши ёки бошқа тарздаги улуш қўшишга ҳамда бу корхона (ташкилот) ёки хўжаликнинг фойдаси (даромади)ни тақсимлашда шу улушнинг миқдорига мувофиқ равишда қатнашишга ҳақлидир.

4. Деҳқончилик ва шахсий ёрдамчи хўжаликни, боғдорчиликни юритиш, уй-жой бинолари қуриш ва унга хизмат қилиш, Қонунда кўзда тутилган бошқа эҳтиёжларни қондириш учун гражданларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи билан ер берилади.

5. Гражданларнинг мол-мулкни мерос қилиб олиш ҳуқуқи тан олинади ва Қонун билан муҳофаза қилинади.

7-модда. **Гражданларнинг мулк эгалиги объектлари**

1. Турар жойлар, боғ ҳовлилар, боғ уйлари, ер участкасидаги дов-дарахтлар, транспорт воситалари, пул жамғармалар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, уй-рўзғор ашёлари ва шахсий истеъмол буюмлари, деҳқончилик хўжалигини ва бошқа меҳнат хўжалигини, шахсий ёрдамчи хўжаликни, боғдорчилик, полизчиликни юритиш, якка тартибдаги ва бошқа хўжалик фаолияти учун керакли ишлаб чиқариш воситалари, ҳосил қилинган маҳсулот ва олинган даромад, шунингдек истеъмол ва ишлаб чиқариш вазифасини ўтайдиган бошқа мол-мулклар гражданларнинг мулки бўлиши мумкин.

2. Уй-жой, уй қуриш, боғ ҳовли, гараж ёки бошқа кооперативнинг фойдаланиш учун берилган квартира, боғ ҳовли, гараж, бошқа иморат ёки бино учун ўзининг пай улушини тўла-тўкис қўшган аъзоси шу молмулкнинг эгаси ҳуқуқини олади.

Давлат ва жамоат уй-жой фондининг уйида уй-жой ёллаган киши ва унинг оила аъзолари мулкдордан тегишли квартира ёки уйни сотиб олишга ҳақлидирлар.

Мазкур мол-мулкни ўз мулки қилиб сотиб олганидан кейин граждан уни ўз ихтиёри билан тасарруф этишга — сотишга, васият қилиб қолдиришга, ижарага топширишга, унинг воситаси билан Қонунга зид бўлмаган бошқа ишларни қилишга ҳақлидир.

3. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Қонун ҳужжатларида гражданларнинг ихтиёрида бўлиши мумкин бўлмаган мол-мулк турлари белгилаб қўйилиши мумкин. Граждан ўзининг меҳнат даромадлари ва жамғармалари ҳисобига ҳамда Қонун йўл қўядиган бошқа асосларга биноан қўлга киритган бошқа мол-мулкнинг тартиби ва қиймати чекланмайди.

8-модда. **Меҳнат хўжалигининг мулки**

1. Устахона, маиший хизмат, савдо, умумий овқатланиш соҳасидаги ва хўжалик фаолиятининг ўзга соҳаларидаги бошқа чоғроқ корхона, уй-жой бинолари ва хўжалик бинолари, машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, хом ашё материаллар, ва хўжаликнинг мустақил юритиш учун зарур бўлган бошқа мол-мулклар биргаликда меҳнат хўжалигини юритаётган кишиларнинг оила аъзолари ва ўзга шахсларнинг мулки бўлиши мумкин.

2. Меҳнат хўжалигининг мол-мулки, шу жумладан ҳосил қилинган маҳсулот ва олинган даромадлар биргаликда хўжалик юритувчи кишилар оила аъзоларининг ва ўзга шахслар ўртасидаги шартномада бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, уларнинг умумий улушли мулки ҳисобланади.

9-модда. **Деҳқончилик ва бошқа шахсий хўжаликнинг мулки**

1. Деҳқончилик хўжалиги уй-жойга, хўжалик иморатларига, ер участкасида дов-дарахтларга, маҳсулдор ва ишда фойдаланиладган чорвага, паррандага, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини мустақил юритиш, маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш учун зарур бўлган бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

Етиштирилган маҳсулот ва олинган даромадлар деҳқончилик хўжалигининг мулки ҳисобланади, ундан хўжалик ўз хоҳишига кўра фойдаланади.

2. Деҳқончилик хўжалигининг мол-мулки, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонуни хужжатларида бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида шу хўжалик аъзоларига тегишлидир.

3. Ушбу модданинг қоидалари гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигига ҳам жорий этилади.

III бўлим.

КОЛЛЕКТИВ МУЛК

10-модда. **Коллектив мулк тўғрисидаги умумий қондалар**

1. Коллектив мулкка ижара корхоналарининг, коллектив корхоналарнинг, кооперативлар, акционерлик жамиятлари, хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, хўжалик уюшмаларининг, жамоат ташкилотларининг ва ҳуқуқий шахслар бўлмиш бошқа бирлашмаларнинг мулки киради.

2. Коллектив мулкнинг ҳосил бўлиши ва кўпайиши давлат корхоналарини ижарага топшириш, меҳнаткашларнинг коллективларига олинган даромадлардан давлат мол-мулкини сотиб олиш учун фойдаланиш имкониятини бериш билан, давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириш билан, гражданларнинг ва қонуний шахсларнинг мол-мулкини кооперативлар, акционерлик жамиятлари, бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатларни тузиш учун ихтиёрий бирлаштириш билан таъминланади.

11-модда. **Ижара корхонасининг мулки**

Ижара корхонасининг маблағи ҳисобига ҳосил қилинган маҳсулот, олинган даромадлар ва сотиб олинган мол-мулк шу корхонанинг мулки ҳисобланади.

Ижара корхонаси меҳнат коллективи аъзоларининг корхона ишларини бошқаришда ва фойда (даромадлар)ни тақсимлашда қатнашиш тартиби ва шартлари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ижара тўғрисидаги қонунлари билан белгилаб берилади.

12-модда. **Коллектив корхонанинг мулки**

1. Коллектив корхонанинг мулки давлат корхонасининг бутун мол-мулки меҳнат коллективининг мулкига айлантирилган тақдирда, ижарага олинган мол-мулк сотиб олинган ёки қонунда кўзда тутилган ўзга усуллар билан мол-мулк қўлга киритилган тақдирда вужудга келади.

Коллектив корхонанинг мол-мулки, шу жумладан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадлар мазкур корхона коллективининг муштарак бисотидир.

2. Коллектив корхонанинг мол-мулки таркибида унинг ходимлари қўшган улушлар белгиланади. Ходимнинг давлат ёки ижара корхонаси мулкига қўшган улуши (шу ҳисса асосида коллектив корхона вужудга келган бўлади), шунингдек ходимнинг мазкур корхона ташкил топгандан кейин унинг мулкини кўпайтиришга қўшган улуши йиғиндиси мана шу улуш таркибига киритилади.

Ходимнинг мол-мулкни кўпайтиришга қўшган улуши миқдори унинг корхона фаолиятидаги меҳнат иштирокига асосланиб белгиланади.

Меҳнат коллективи томонидан корхонанинг хўжалик фаолияти натижаларига асосланиб белгиланадиган миқдордаги фоизлар коллектив корхона ходимининг улуши ҳисобига ўтказилади ва тўланади.

Корхона билан меҳнат муносабатларини тўхтатган ходимга, шунингдек вафот этган ходимнинг ворисларига улушнинг қиймати тўланади.

Коллектив корхона тугатилган тақдирда улушнинг қиймати ходимларга (уларнинг ворисларига) бюджет, банклар ва қарз берган бошқа корхоналар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мол-мулкдан тўланади.

13-модда. **Кооперативнинг мулки**

1. Кооперативнинг мол-мулки унинг аъзоларининг пул ва бошқа мулкий бадаллари ҳисобига, корхона ишлаб чиқарган маҳсулот, уни сотишдан ва кооператив низомида кўзда тутилган ўзга фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобига ҳосил бўлади.

2. Кооператив тугатилган тақдирда бюджет банклар ва қарз берган бошқа муассасалар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мол-мулк кооператив аъзолари ўртасида тақсимланади.

14-модда. **Хўжалик жамияти ва ширкатнинг мулки**

1. Қонуний шахслар бўлмиш хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг мулки қатнашчиларнинг улушлари ҳисобига, хўжалик фаолияти натижасида олинган ва Қонун йўл қўядиган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулк ҳисобига ҳосил бўлади.

2. Хўжалик жамияти ва ширкати қатнашчисининг улуши таркибига асосий ва айланма фондлар, пул маблағлари ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек молмулкдан фойдаланиш ҳуқуқи кириши мумкин.

3. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, давлат идоралари, шунингдек гражданлар, башарти ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатларида бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, хўжалик жамияти ва ширкатининг қатнашчилари бўлишлари мумкин.

15-модда. **Акционерлик жамиятининг мулки**

1. Акционерлик жамияти акцияларни сотиш ҳисобига вужудга келган, шунингдек, унинг хўжалик фаолияти натижасида олинган ва Қонун йўл қўядиган ўзга асосларда у қўлга киритган мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади.

2. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва давлат идоралари акцияларнинг соҳиблари бўлишлари мумкин.

Мазкур жамиятнинг ходимлари, шунингдек бошқа гражданлар башарти ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатларида ёки жамият низомида ўзга тартиб кўзда тутилмаган бўлса, акцияларнинг соҳиблари бўлишлари мумкин.

3. Давлат корхонаси ўз меҳнат коллективининг ва бунинг учун вакил қилинган давлат идорасининг қўшма қарорига биноан корхона мол-мулкининг бутун қиймати миқдорида акциялар чиқариш йўли билан акционерлик жамиятига айлантирилиши мумкин. Акцияларни сотишдан тушган маблағлар, давлат корхонасининг қарзлари узилганидан кейин тегишли бюджетга тушади.

16-модда. **Хўжалик уюшмалари (бирлашмалари)нинг мулки**

1. Корхоналар ва ташкилотларнинг хўжалик уюшмаси (шу жумладан концерн, тармоқ, тармоқлараро ва регионал бирлашма) унга корхона ва ташкилотлар ихтиёрий равишда берган, шунингдек унинг хўжалик фаолияти натижасида олинган ва Қонун йўл қўядиган ўзга асосларда ва қонунларда кўзда тутилган ўзга усуллар билан мол-мулк қўлга киритилган тақдирда вужудга келади.

Коллектив корхонанинг мол-мулки, шу жумладан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадлар мазкур корхона коллективининг муштарак бисотидир.

2. Коллектив корхонанинг мол-мулки таркибида унинг ходимлари қўшган улушлар белгиланади. Ходимнинг давлат ёки ижара корхонаси мулкига қўшган улуши (шу ҳисса асосида коллектив корхона вужудга келган бўлади), шунингдек ходимнинг мазкур корхона ташкил топгандан кейин унинг мулкини кўпайтиришга қўшган улуши йиғиндиси мана шу улуш таркибига киритилади.

Ходимнинг мол-мулкни кўпайтиришга қўшган улуши миқдори унинг корхона фаолиятидаги меҳнат иштирокига асосланиб белгиланади.

Меҳнат коллективи томонидан корхонанинг хўжалик фаолияти натижаларига асосланиб белгиланадиган миқдордаги фоизлар коллектив корхона ходимининг улуши ҳисобига ўтказилади ва тўланади.

Корхона билан меҳнат муносабатларини тўхтатган ходимга, шунингдек вафот этган ходимнинг ворисларига улушнинг қиймати тўланади.

Коллектив корхона тугатилган тақдирда улушнинг қиймати ходимларга (уларнинг ворисларига) бюджет, банклар ва қарз берган бошқа корхоналар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мол-мулкдан тўланади.

3. Давлат корхонаси ўз меҳнат коллективининг ва бунинг учун вакил қилинган давлат идорасининг қўшма қарорига биноан корхона мол-мулкининг бутун қиймати миқдорида акциялар чиқариш йўли билан акционерлик жамиятига айлантирилиши мумкин. Акцияларни сотишдан тушган маблағлар, давлат корхонасининг қарзлари узилганидан кейин тегишли бюджетга тушади.

16-модда. **Хўжалик уюшмалари (бирлашмалари)нинг мулки**

1. Корхоналар ва ташкилотларнинг хўжалик уюшмаси (шу жумладан концерн, тармоқ, тармоқлараро ва регионал бирлашма) унга корхона ва ташкилотлар ихтиёрий равишда берган, шунингдек унинг хўжалик фаолияти натижасида олинган мол-мулкка эгалик қилишга ҳақлидир.

2. Хўжалик уюшмаси унга кирувчи корхона ва ташкилотларнинг мол-мулкига эгалик қилишга ҳақли эмас.

3. Хўжалик уюшмасининг фаолияти тўхтатилгандан кейин қолган мол-мулк унга кирган корхоналар ва ташкилотлар ўртасида тақсимланади.

17-модда. **Жамоат ташкилотлари ва фондларининг мулки**

1. Бинолар, иншоотлар, уй-жой фонди, асбоб-ускуна, анжомлар, маданият-маърифат ва соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган мол-мулк, пул маблағлари, акциялар, бошқа қимматли қоғозлар ҳамда уларнинг уставлари (низомлари)да кўзда тутилган фаолиятни моддий таъминлаш учун зарур бўлган бошқа мол-мулк жамоат ташкилотлари, шу жумладан хайрия фондлари ва бошқа жамоат фондларининг мулки бўлиши мумкин. Ўз уставларида (низомларида) кўрсатилган мақсадларга мувофиқ, шу ташкилотлар (фондлар)нинг маблағлари ҳисобига барпо этилган корхоналар ҳам жамоат ташкилотлари (фондлар)нинг мулки бўлиши мумкин.

2. Жамоат ташкилоти (фонди) тугатилгандан кейин қолган мол-мулк унинг устави (низоми)да кўзда тутилган мақсадларга сарфланади.

18-модда. **Диний ташкилотларнинг мулки**

Бинолар, диний буюмлар, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия аҳамиятига эга бўлган объектлар, пул маблағлари ва диний ташкилотларнинг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа мол-мулк шу ташкилотларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар гражданлар, ташкилотлар иона қилган ёки давлат берган ўз маблағи ҳисобига сотиб олинган ва барпо этилган ҳамда Қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулкка эгалик қилишга ҳақлидирлар.

IV бўлим.

ДАВЛАТ МУЛКИ

19-модда. **Давлат мулки тўғрисидаги умумий қондалар**

1. Давлат мулкига умуминтифоқ мулки, иттифоқдош республикалар мулки, автоном республикалар, автоном областлар, автоном округлар мулки, маъмурий-территориал тузилмалар мулки (коммунал мулк) киради. Давлат мулкини тегишли халқ депутатлари Советлари ва улар ваколат берган давлат органлари халқ номидан (маъмурий-территориал тузилма аҳолиси номидан) тасарруф этади ва бошқаради.

Давлат мулкининг эгалари ўртасидаги келишувга биноан бу мулк уларнинг умумий мулки бўлиши мумкин.

2. ССР Иттифоқи, иттифоқдош республика, автоном республика, автоном область, автоном округ, маъмурий-территориал тузилиш бюджетлари ёки бошқа маблағлари ҳисобидан ёки улар ихтиёридаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар маблағлари ҳисобидан ҳосил қилинган ёки орттирилган мулк тегишлича умуминтифоқ мулки, иттифоқдош республика, автоном республика, автоном область, автоном округ мулки ёхуд маъмурий-территориал тузилиш мулки ҳисобланади.

3. ССР Иттифоқи иттифоқдош республикаларнинг, автоном республикалар ва автоном тузилмаларнинг мажбуриятлари учун жавоб бермайди, иттифоқдош республикалар, автоном республикалар, автоном тузилмалар, маъмурий-территориал тузилмалар эса ССР Иттифоқи мажбуриятлари ва бир-бирларининг мажбуриятлари учун жавоб бермайди.

20-модда. **Ерга ва бошқа табиий ресурсларга мулкчилик**

1. Ер ва ерости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси шу территорияда яшовчи халқларнинг дахлсиз бойлигидир.

Иттифоқдош республика, автоном республика, автоном область, автоном округ ССР қонунлари доирасида ўз территориясидаги ер ва бошқа табиий ресурсларга ўз манфаатларини ва ССР Иттифоқи манфаатларини кўзлаб эгалик қилади, улардан фойдаланади ва уларни тасарруф қилади. Автоном республика, автоном область, автоном округ ҳам бу ҳуқуқларни иттифоқдош республика манфаатларини кўзлаб ва унинг қонунлари доирасида амалга оширади.

Икки ёки бир неча иттифоқдош республика, автоном республика, автоном область, автоном округ территориясидаги сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш улар ўртасидаги келишувга биноан, зарур ҳолларда эса ССР Иттифоқи иштирокида амалга оширилади.

2. ССР Иттифоқи ҳокимият ва бошқарув органлари, СССР Қуролли Кучлари, чегара, ички ва темир йўл қўшинлари, магистрал қувур транспорти, СССР ягона энергетика системаси, космик системалар ва умуминтифоқ алоқа ва ахборот системалари фаолиятини таъминлаш учун, шунингдек ушбу қонуннинг 21-моддасининг иккинчи қисмига биноан, ССР Иттифоқи ва тегишли иттифоқдош, автоном республика ўртасидаги келишувга биноан умуминтифоқ мулкига киритилган бошқа мулклардан фойдаланиш учун берилган ер участкалари ёки бошқа табиий объектларга ССР Иттифоқи (унинг органлари ва ташкилотлари) эгалик қилади ва улардан фойдаланади.

Ушбу ер участкалари ва бошқа табиий объектлар ССР Иттифоқи розилигига биноан олиб қўйилиши мумкин. ССР Иттифоқи (унинг органлари ва ташкилотлари) эгалиги ва фойдаланишга янги ер участкалари ва бошқа табиий объектлар бериш ССР Иттифоқининг иттифоқдош республика, автоном республика, автоном область, автоном округ билан келишувига биноан амалга оширилади.

3. Муайян иттифоқдош республика таркибига кирган автоном республика, автоном область, автоном округнинг умумреспублика эҳтиёжларини қондириш учун шу иттифоқдош республикага ер участкалари ва бошқа табиий объектлар ажратиб бериш тартиби тегишли автоном республика, автоном область, автоном округ билан иттифоқдош республика ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

4. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш умуминтифоқ асослари ССР Иттифоқи Қонунлари билан белгиланади.

Эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ер ва бошқа табиий ресурслар ажратиб бериш тартиби иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан белгиланади, умуминтифоқ эҳтиёжлари ва республикалараро эҳтиёжларни, мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш учун ер ва бошқа табиий ресурслар ажратиб бериш тартиби эса ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунлари билан белгиланади.

5. Ер ва бошқа табиий ресурслар бериш ва улардан фойдаланиш муносабати билан ССР Иттифоқи, иттифоқдош республикалар, автоном республикалар, автоном областлар, автоном округлар ўртасида вужудга келадиган низолар ҳакамлик муҳокамаси тартибида ёки қонун билан белгиланган бошқа тартибда қараб чиқилади.

21-модда. **Умуминтифоқ мулки**

ССР Иттифоқи ҳокимият ва бошқарув органларининг мол-мулклари, магистрал қувур транспорти, СССРнинг ягона энергетика системаси, космик системалар ва умуминтифоқ алоқа ва ахборот системалари, СССР Қуролли Кучларининг чегара, ички ва темир йўл қўшинларининг мол-мулклари, мудофаа объектлари, иттифоқ бюджети маблағлари, СССР Давлат банки ва ССР Иттифоқининг бошқа банклари ҳамда умуминтифоқ резерв, суғурта ва бошқа фондлари умуминтифоқ мулки ҳисобланади.

Шунингдек корхоналар ва саноат, энергетика, қурилишдаги халқ хўжалик комплекслари, темир йўл, ҳаво, денгиз транспорти, умуминтифоқ аҳамиятига молик олий ўқув юртлари ва умуминтифоқ маблағлари ҳисобидан орттирилган ёхуд иттифоқдош республикалар, автоном ва маъмурий-территориал тузилмалар, гражданлар ва ҳуқуқий шахслар томонидан ССР Иттифоқи тасарруфига бепул ўтказилган мол-мулклар ҳам умуминтифоқ мулки ҳисобланади.

22-модда. **Иттифоқдош республикалар, автоном республикалар, автоном областлар ва автоном округлар мулки**

1. Иттифоқдош республика ва бошқарув органларининг мол-мулклари, иттифоқчи республика халқларининг маданий ва тарихий бойликлари, республика бюджети маблағлари, республика банклари, республика суғурта, резерв ва бошқа фондлари, шунингдек корхоналар ва халқ хўжалик комплекслари, республика аҳамиятига молик олий ўқув юртлари, социал-маданий соҳа объектлари ҳамда республиканинг суверенитетини, хўжалик мустақиллигини, унинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини таъминловчи бошқа мол-мулклар иттифоқдош республика мулки ҳисобланади.

2. Автоном республика, автоном область, автоном округлар ҳокимият ва бошқарув органларининг мол-мулклари, автоном республика, автоном область, автоном округ халқларининг маданий ва тарихий бойликлари, тегишли бюджет маблағлари, тегишли халқ депутатлари Советининг турар жой ва турар жой-коммунал хўжалиги, шунингдек қишлоқ хўжалик, савдо, маиший хизмат, транспорт корхоналари, саноат ва қурилиш корхоналари ва комплекслари, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда автоном республикалар, автоном областлар, автоном округлар халқлари моддий ва маънавий маданиятининг сақланишини, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини, автоном республикалар, автоном областлар, автоном округлар олдида турган бошқа вазифаларнинг бажарилишини таъминловчи ўзга мол-мулклар автоном республика, автоном область, автоном округ мулки ҳисобланади.

23-модда. **Маъмурий-территориал тузилмалар мулки (коммунал мулк)**

Ҳокимият органлари ва маъмурий-территориал тузилмалар бошқармаларининг мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, халқ депутатлари маҳаллий Советининг уй-жой фонди ва уй-жой-коммунал хўжалиги, шунингдек қишлоқ хўжалик, савдо, маиший хизмат, транспорт, саноат, қурилиш корхоналари ҳамда бошқа корхоналар ва комплекслар, халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда ижтимоий ва социал тараққиёт учун ва тегишли маъмурий — территориал тузилмалар олдида турган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бошқа мол-мулклар ўлка, область, район ва бошқа маъмурий-территориал тузилмалар мулки ҳисобланади.

24-модда. **Давлат корхонаси мулки**

1. Давлат мулки бўлган ва давлат корхонасига бириктириб қўйилган мулк тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида унга тегишлидир. Корхона ўз мулки юзасидан тўла хўжалик юритиш ҳуқуқини амалга ошираётганда мазкур мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади, уни тасарруф этади ва унга нисбатан Қонунга хилоф бўлмаган ҳар қандай ҳаракатни ўз ихтиёри билан қила олади. Агар ССР Иттифоқининг, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида бошқа қоидалар назарда тутилмаган бўлса, тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига мулкчилик ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар татбиқ этилади.

2. Давлат мулкини бошқариш ваколати берилган давлат органлари ССР Иттифоқининг, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг корхоналар тўғрисидаги қонунларига биноан корхона тузиш ва унинг фаолияти мақсадини белгилаш, уни қайта тузиш ва тугатиш масалаларини ҳал қилади, унга ишониб топширилган давлат мулкидан самарали фойдаланилишини ҳамда сақланишини назорат қилиб туради ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

3. Давлат мулкини бошқариш ваколатини олган давлат органи давлат корхонасини қайта тузиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилса, бу корхона лаёқатсиз (синган) деб топилган ҳолдан бошқа ҳолларда, меҳнат коллективи бу корхонанинг ижарага берилишини ёки уни коллектив мулкка асосланган бошқа корхонага айлантирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда давлат органи билан меҳнат коллективлари ўртасида чиқадиган низолар давлат арбитражи томонидан ҳал этилади.

25-модда. **Давлат корхонаси меҳнат коллективи аъзоларининг мулки**

1. Давлат корхонаси солиқларни ва бюджетга бошқа тўловларни тўлаб бўлганидан кейин қоладиган фойда (соф фойда) корхона меҳнат коллективининг ихтиёрига ўтади. Бу фойданинг бир қисми қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда меҳнат коллективи аъзоларига мулк қилиб берилади.

2. Меҳнат коллективининг аъзосига тегишли фойда миқдори унга тегишли улуш ҳисобланади. Меҳнат коллективи аъзосига унинг улуши баробарида акциялар берилиши мумкин.

Улуш (акция) учун корхона ҳар йили процент (дивиденд) тўлайди. Фойданинг процент (дивиденд) тўлашга кетадиган қисмининг миқдори корхона маъмурияти билан меҳнат коллективи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

3. Меҳнат коллективи аъзосининг розилиги билан унинг улуши миқдори (тўла ёки қисман) уй-жой ёки социал-маданий объектлар қуришга ёки сотиб олишга сарфланиши мумкин. Улушнинг тегишли миқдорига процент қўшилмайди.

Меҳнат коллективининг аъзоси ўз улуши миқдорини (акцияси қимматини) маъмурият ва меҳнат коллективининг биргаликда қабул қилган қарорида белгиланган тартибда ва муддатда олишга ҳақлидир.

Корхона тугатилган тақдирда улуш миқдори (акциялар қиймати) меҳнат коллективи аъзоларига (меросхўрларга) бюджет билан, банклар ва корхонага қарз берган бошқа ташкилотлар билан ҳисоб-китоб қилгандан кейин қолган мулкдан тўланади.

26-модда. **Давлат муассасининг мулки**

1. Давлат мулки бўлган ва мулкдор томонидан давлат бюджетида турувчи давлат муассасасига (ташкилотига) бириктириб қўйилган мулк мазкур муассаса (ташкилот)нинг оператив бошқарувида бўлади.

2. Давлат бюджетида турувчи ва ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик фаолияти юритишлари мумкин бўлган давлат муассасалари (ташкилотлари) ва шу даромадлар ҳисобидан орттирилган мулкларни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

3. Давлат муассасаси (ташкилоти) ўз мажбуриятлари учун ўз тасарруфидаги пул маблағлари билан жавоб беради. Давлат муассасасининг (ташкилотининг) маблағи етарли бўлмаган вақтда унинг мажбуриятлари бўйича тегишли мулк эгаси жавобгар бўлади.

V бўлим.

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР, ХОРИЖИЙ ГРАЖДАНЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ДАВЛАТЛАР МУЛКИ

27-модда. **Қўшма корхоналар мулки**

Совет юридик шахслари билан хорижий юридик шахслар ва фуқаролар иштирокидаги қўшма корхоналар СССР территориясида акционерлик жамиятлари, хўжалик жамиятлари ва ширкатлар формасида ташкил этилади ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка эгалик қилишлари мумкин.

28-модда. **Хорижий фуқаролар мулки**

Ушбу Қонуннинг совет фуқаролари мулкига доир қоидалари СССРда яшовчи хорижий фуқаролар мулкига ҳам тегишлидир. Деҳқон хўжалигининг ва меҳнатга асосланган бошқа хўжаликнинг мулки тўғрисидаги қоидалар СССРда доимо яшовчи хорижий фуқаролар мулкига ҳам тегишлидир.

29-модда. **Хорижий юридик шахслар мулки**

Хорижий юридик шахслар хўжалик

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг СССРда МУЛКЧИЛИК ҚОНУНИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

VI бўлим.
МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ КАФОЛАТИ ВА ҲИМОЯЛАНИШИ

31-модда. **Мулк ҳуқуқининг кафолати**

1. Давлат ушбу Қонунга мувофиқ белгиланган мулкий муносабатларнинг барқарорлигига кафолат беради.

2. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ёки автоном республика мулк ҳуқуқини бекор қиладиган қонун ҳужжатлари қабул қилган тақдирда ана шу ҳужжатлар қабул қилиниши натижасида мулкдорга етказилган зарар суд қарорига биноан ССР Иттифоқи, тегишли иттифоқдош ёки автоном республика томонидан мулкдорга тўла ҳажмда тўланади.

3. Давлат фуқаролар, ташкилотлар ва бошқа мулкдорларга уларнинг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун Қонун йўли билан тенг шароит яратиб беради.

32-модда. **Мулк ҳуқуқининг ҳимояланиши**

1. Мулкдор ўзга шахс томонидан ғайриқонуний равишда ўзлаштириб олинган мол-мулкини ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар гражданлик қонунларига мувофиқ талаб қилиб, қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

2. Мулкдор ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, гарчи бу уни мулкка эгалик ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса-да, бартараф этишни талаб қилиши мумкин.

3. Мулк ҳуқуқининг ҳимояланиши суд, давлат арбитражи ёки ҳакамлар суди томонидан амалга оширилади.

4. Ушбу моддада кўзда тутилган ҳуқуқлар гарчи мулкдор бўлмасада, мулкдан тўла хўжалик юритиш, оператив бошқариш, уни бир умрга мерос қолдириш ҳуқуқи асосида ёки қонун ёхуд шартномада кўзда тутилган бошқа асосда мулкка эгалик қилувчи шахсга ҳам тааллуқлидир.

33-модда. **Мулкдорнинг ҳуқуқи қонунда кўзда тутилган асосларда тўхтатилган тақдирда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш**

1. Мулкдорга тегишли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки дов-дарахтлар бўлган ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги қарор ёхуд давлат органининг мулкдордан мол-мулкни олиб қўйишга бевосита қаратилмаган бошқа қарори муносабати билан мулк ҳуқуқини тўхтатишга фақат ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар ва тартибдагина йўл қўйилади, лекин бунда мулк ҳуқуқи тўхталиши оқибатида етказилган зарар мулкдорга тўла тўланиши шарт.

Мулкдор норози бўлган тақдирда мулк ҳуқуқининг тўхтатилишига сабаб бўладиган қарор жанжалли суд, давлат арбитражи ёки ҳакамлар суди томонидан ҳал этилгунига қадар амалга оширилмаслиги лозим. Шунингдек мулкдорга етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ барча масалалар ҳам низони кўриб чиқиш жараёнида ҳал этилади.

2. Мулкдор мулкининг давлат томонидан тортиб олинишига мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундириш шу мулкка қаратилган тақдирдагина, ССР Иттифоқи, иттифоқдош республикалар ва автоном республикалар қонунларида кўзда тутилган ҳоллар ва тартибда, шунингдек реквизиция ва мусодара тартибида йўл қўйилади.

Табиий офат, фалокат, эпидемия, эпизоотиялар ва фавқулодда рўй берадиган бошқа ҳолатларда мол-мулк давлат ҳокимияти ташкилотлари қарорига биноан жамият манфаати учун мулкдордан ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартлар асосида мажбурий тарзда олинади ва унга молмулкнинг қиймати тўланади (реквизиция қилинади).

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда суд, давлат арбитражи ёки бошқа ваколатли давлат органи (мансабдор шахс) қарорига биноан мулкдорнинг мол-мулки содир этилган жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жарима тариқасида тортиб олиниши мусодара қилиниши мумкин.

34-модда. **Мулкдорлар ҳуқуқини бузувчи ҳужжатларнинг ҳақиқий эмаслиги**

Агар давлат бошқаруви органи ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи Қонунга хилоф ҳужжат қабул қилиши натижасида мулкдорнинг ва бошқа шахсларнинг ўзларига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқлари бузилган тақдирда, бундай ҳужжат мулкдорнинг ёки ҳуқуқи бузилган шахснинг даъвосига биноан ҳақиқий эмас деб тан олинади.

Шундай ҳужжатларни чиқариш оқибатида гражданлар, ташкилотлар ва бошқа шахсларга етказилган зарарлар тегишли ҳокимият ёки бошқарув органи тасарруфидаги маблағ ҳисобидан тўлатўкис қопланиши шарт.

СССР Олий Советининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль 1990 йил, 6 март.

• ҚАДРИМИЗ, ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ •

АНЪАНАЛАР—ХАЛҚ БОЙЛИГИ

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси ва Қашқадарё область партия комитетининг давра суҳбати

● Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг халқимиз маросимлари, урф-одатлари ва байрамлари борасидаги амалий тадбирлари кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Дарҳақиқат, миллий қадриятларни байналмилал руҳда тиклаш билан бирга ҳаётимизга сингиб бораётган янгича урф-одатларни кенг оммалаштириш — бугунги кун талабидир. Бу муҳим ҳаётий эҳтиёжлар КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль Пленуми маъқуллаган КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида алоҳида таъкидланди. Жумладан, унда «... ҳар бир республиканинг она тилини, маданий-этник хусусиятларини ва миллий-маънавий қадриятларини, турмуш тарзининг ўзига хослигини, демографик структурасини ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирлар адолатлидир», дейилади.

Бугун ёритилаётган суҳбатда жамиятни янгилашнинг ҳозирги босқичида ҳалқ анъаналарини қайта тиклаш, уларни бутун чоралар билан бойитиш, халқ байрамлари ва расм-русумларини янада такомиллаштириш ҳақида фикр юритилди. Давра суҳбатида область, шаҳар ва район партия, комсомол комитетлари котиблари, маданий анъаналарни бойитишга тегишли ҳисса қўшаётган муассасаларнинг вакиллари қатнашдилар. Суҳбатни область партия комитети секретари Сабоҳат Жўраевна МИРОВА бошлаб берди.

— Ҳар бир халқнинг ўз анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари, маросимлари мавжуд, — деди у. — Буларнинг кўпчилиги халқнинг турмуш тарзи, умуминсоний эҳтиёжлар билан боғлиқ. Масалан, оилада фарзанд туғилиши, икки ёшнинг бахт тўйи, табиат ҳамда йил фасллари, меҳнат билан боғлиқ турли маросимларни тилга олиш мумкин. Урф-одатларни, халқнинг илғор анъаналарини тиклаш ва такомиллаштириш—бу нафақат маънавиятимиздаги давомийликни, авлодлар ўртасидаги ворисликни таъминлашда, балки ватанпарварлик ва байналмилалчиликни шакллантиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Бу КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳасида ҳам қайд этиб ўтилганлиги диққатга сазовордир.

Поён РАВШАНОВ, Қарши давлат педагогика институти тарих ва ўзбек филологияси факультетининг декани, филология фанлари номзоди:

— Ўтмишда халқимизнинг ўзига хос байрамлари, миллий анъаналари бўлган. Х аср муаррихи Муҳаммад Наршахий «Бухоро тарихи» асарида Моваройннаҳр халқи Афросиёб, Сиёвуш замонларидаёқ Наврўзни байрам қилиб келганликларини айтади. Дарвоқе, Наврўз қирқ асрлик қадимий тарихга эга. Табиийки, халқимизда бундан бўлак ҳам байрамлар, шодиёналар бўлган, албатта. Аммо сиёсий руҳдаги байрамлар ҳам бўлганми, буни аниқ айтиш мушкул. Масалан, араблар асоратидан халос этилган, мўғуллар ўлкадан ҳайдаб чиқарилган 1370 йилда озодлик байрами ўтказилганлиги маълум.

Наврўз ва Қовун сайли, Ҳосил байрами ҳам табиат билан боғлиқ шодиёналардир. Хўш, урф-одат, миллий хусусиятлар билан боғлиқ байрамларимиз-чи? Имоним комилки, бундай оммавий халқ сайиллари ҳам кўп ўтказилган. Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март ҳозирги умумхалқ байрамларимиздан бири ҳисобланади. Аммо қадимда хотин-қизлар шодиёнаси келин сайлига айланган. Бу анъанани тиклаш зарур.

Шаҳар ва қишлоқ боғларида ёш оилалар сайли ўтказилиб, турмуш, оила ҳақида қизиқарли чиқишлар, спорт мусобақалари, санъат кўриклари уюштирилса, нур устига аъло нур бўларди.

Жумҳуриятимизнинг ташкил топган кунини ҳам алоҳида байрам сифатида нишонлаш керак.

Файзи РАҲМОНОВ, область ветеранлар кенгаши раиси ўринбосари:

— Наврўзга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида «Хотира куни»га ҳам пухта ҳозирлик кўриш мақсадга мувофиқ. Келинг, қабристонларни обод қилайлик. Аждодларимиз хотирасига янги боғроғлар яратайлик.

Маълумки, Улуғ Ватан урушида 16 мингдан зиёд қашқадарёлик ҳалок бўлган. Кўплаб фарзандларимиз қўшни Афғонистон республикасида байналмилал бурчларини ўтадилар. Мен бир саволни ўртага ташламоқчиман: ёшларимиз кекса авлод бошлаган инқилобий ишнинг қадрига етишяптими?

Сабоҳат МИРОВА:

—Тўғри айтасиз. Бу жиддий муаммо. Айрим ёшлар кимларнингдир иғволарига учиб, нотўғри йўлга кириб кетяптилар, баъзан митинг-бозлик, дўқ-пўписа қилишгача бориб етяптилар. Агар улар масалани оқилона кўтарсалар, эл-юртга маъқул тушарди, фойдали иш бўларди. Ёшлар кекса авлод бошлаган инқилобий ҳаракатларнинг давомчиси бўлмоқлари керак. Мана, вилоятимизда «Хотира китоби» ташкил қилиняпти. Буни ниҳоясига етказиш савобли иш.

Марьям АСАДОВА, Ғузор район маданият бошқармаси бошлиғи:

— Азалдан давом этиб келаётган урф-одатлар, чунончи, ҳашар, никоҳ маросими, Наврўз, меҳнат ва баҳор байрамлари, меҳнат эстафета сини топшириш, қовун, узум сайиллари каби тадбирларни янгича руҳда ўтказмоқ лозим.

Ўз навбатида янги расм-русумлар ҳам вужудга келяпти. Чақалоқларни тантанали рўйхатга олиш, исм қўйиш, ўспиринларга гражданлик ҳужжатларини топшириш, йигитларни армияга кузатиш каби маросимлар ҳаётимизга сингиб кетган. Аммо ҳамма маросимни ҳам меъёрида, ортиқча чиқимсиз ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Биз яқинда район хотин-қизлар кенгашининг ташаббуси билан «Партия XXII съезди» колхозида «Қайнона-келин тотувлиги — оила аҳиллиги» деган кеча ўтказдик. Бу йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Бироқ кимўзарга зиёфат бериб, дабдабали маросим ўтказаётганлар ҳам бор. Уларнинг ҳовлисида энг сўнгги маркали енгил машиналар савлат тўкиб турибди-ю, уйларида кўримсиз шолчадан бўлак ҳеч нарса йўқ. Ҳатто болалари ўтириб дарс тайёрлаши учун оддий стол-стул ҳам йўқ.

Муҳаммад ОЧИЛОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси область бўлими масъул котиби:

— Қайта қуриш шабадаси туфайли Наврўзга янги умр бахш этилди. Лекин, афсуски. Наврўз ва бошқа маросим ҳамда байрамларни халқ ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилиш ҳали юқори савияда, деб бўлмайди. Бунинг учун ташвиқотчиларнинг ўзи тегишли билим ва малакага эга бўлмоқлари лозим. Халқ байрамига тайёргарлик жараёнида ҳар хил ёдгорлик буюмлари ишлаб чиқариш, миллий термаларни йиғиш, қўшиққа солиш ишлари билан вилоят маданият бошқармаси ва халқ ижодиёти уйи раҳбарлари жиддий шуғулланмоқлари зарур.

Рустам ЭШМУРОДОВ, балетмейстер, республикада хизмат кўрсатган артист:

— Наврўз байрамини куй ва қўшиқсиз тасаввур қилиш қийин. Вилоятимизнинг санъатда ўзига хос урф-одатлари, раққосалар киядиган қадимий чиройли кийимлари бор. Китоб ва Шаҳрисабз районларида халқ талантлари «Бирқарсак» ва «Бешқарсак» услубида рақса тушишади. Никоҳ тўйларида «Келин салом»лар, «Ҳазоралилар» ҳам ўзига хос оҳангда куйланади. Қаршиликлар рақси бутунлай бошқача, рақсда рўзғор асбобларидан фойдаланишади. Деҳқонобод районида санъаткорлари тоғликларга хос кийинишади. Бироқ репертуарларида халқ термалари кам. Миллий кийим-кечак тикувчи мутахассислар етишмайди. Эътиборсизлик оқибатида Косон районидаги «Садо», «Шифокор», «Жилола», «Гулистон», Нишон районидаги «Нишона», Ульянов районидаги «Гулшан», Яккабоғ районидаги «Гуллола», Китоб районидаги «Китоб гуллари», «Юлдуз» каби халқ ансамбллари тарқаб кетди. Наврўз сумалаги атрофида халқ оғзаки ижодидан ашула ва айтишувлар ижро этилса, унинг савобига нима етсин?!

Нурқул МИРЗАЕВ, филология фанлари номзоди, доцент:

— Халқимизнинг кийиниши ўзи миллий анъанадир. Бу кўп асрлар давомида юз берган турли иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларга қарамай, миллий ўзига хосликни сақлаб келмоқда. Ёзда фарғоналиклар бошга дўппи кийиб, унинг устидан қийиқ ўрашади. Оқ матодан яктак, қишда пахтали чопон кийишади. Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қоракўл теридан телпак, пахтали чопон кийишади. Бу ҳам ота-боболаримиздан мерос.

Бекасамдан тикилган тўн эркаклар кўркига янада кўрк қўшган, хотин-қизлар камзули эса улар қоматини янада жозибали кўрсатган. Хонатлас аёлларимиз ҳуснини янаям очиб юборган. Шунинг учун Наврўз шодиёналарида миллий маданиятимиз — кийинишга ҳам эътиборни қаратмоқ зарур.

Зубайда ШАРИПОВА, Шаҳрисабз «Ҳужум» бадиий буюмлари фабрикаси ишчиси:

— Каштачилик ва тўқувчилик, қандолатчилик ва кулолчилик халқимизнинг миллий бойлиги. Корхонамиз коллективи анъанани давом эттириб «Наврўз», «Беҳзод», «Ғунча» номи билан сержилло гиламлар тўқимоқда. Шарқона дўппилар жаҳон бозорида ҳам машҳур.

Абдураим ЭРКАЕВ, область партия комитети лекторлар группаси раҳбари:

— Ҳар бир халқ ўз маданиятини сақлаб қолмоғи ва уни бошқа халқларнинг ҳам мулкига айлантирмоғи мақсадга мувофиқдир. Шу боисдан Наврўзни турли миллат вакиллари яшайдиган шаҳарларнинг микрорайонларида ўтказиш, оммавий сайиллар ташкил қилиш керак. От ўйинидан фақат тўсиқдан сакраш бор, холос. Нега «Чивгон», «Кўпкари» каби миллий ўйинларимиз оммалашмайди?

Фольклор-этнографик санъати ҳам жумҳуриятимизда чуқур ўрганилмаяпти.

Исмоил РАЙҲОНОВ, Қарши мадрасаси имоми:

— Одоб-ахлоқли, ҳамиятли бўлиш халқимизнинг ажойиб фазилати. Қадимда ёш-яланглар ўзидан катталар олдини ҳатто кесиб ўтишмаган. Бугунги бебошликлар, ғайринорасмий ҳаракатлар, ғалаёнлар, эҳтимол, одамлар ўртасида меҳр-оқибат кўтарилганлигидандир. Нима учундир одамлар ўртасида мурувват, инсоний меҳр-шафқат камайиб кетяпти. Бироқ қалби дарё одамлар ҳам кўп. Мана, оддий аёл, меҳрибон она, давра суҳбатимиз қатнашчиси Шарофат опа Саидовани олайлик. У бир неча йилдан бери ҳар ойда пенсия маошидан 60 сўмини Тинчлик фондига ўтказиб келяпти. Бу беқиёс саховат.

Олим ШАРИПОВ, «Каршистрой» махсус бирлашмасининг 9-механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи:

— Демократия туфайли орзу-ҳавасларимиз рўёбга чиқмоқда. Касби қишлоғида қабристон оралиғида қолган XI—XVI аср ёдгорликлари жуда аянчли аҳволда эди. «Султон Мирҳайдар мақбараси» деб аталувчи 2—2,5 метр тупроқ билан кўмилган бу ёдгорликни биз, маҳаллий ёшлар ўз ташаббусимиз билан таъмирлашга киришдик. Касби қишлоғи Буюк ипак йўлида жойлашган. Бу ерда «Номзодгоҳ» деб аталувчи XVI аср ёдгорлиги, очиқ ва ёпиқ сардобалар бор. Уларни ҳам таъмирламоқчимиз. Вилоятимизда бундай ёдгорликлар Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларида, Ғузор ва Яккабоғ районларида ҳам мавжуд. Ота-боболаримиздан қолган бу ёдгорликларни асраб-авайлаш бизнинг муқаддас бурчимиз.

Афсуски, бу иш силлиқ кетяпти, деб бўлмайди. Аввало таъмирлашга маблағ, қолаверса меъморлар етишмайди. Менимча, Шаҳрисабз шаҳрида туризмдан тушаётган маблағнинг бир қисмини ёдгорликларни таъмирлашга сарфлашни республикадаги мутасадди ташкилотлар ўйлаб кўрмоқлари лозим.

Аслон АМИНОВ, Ульянов район партия комитети мафкура бўлими мудири:

— Районимизда ўз тарихига, такрорланмас, авлод дан авлодга ўтиб келаётган ҳунарларга, урф-одатларга эга Касби, Қамаши, Фазли, Майманоқ сингари қишлоқлар бор. Касби кулолчилик, қандолатчилик, Қамаши гиламчилиги билан машҳур. Кулоллар тандир, хум, кўза, коса, лаган, гултувак каби ҳар хил сопол буюмлар ясайдилар.

Бу борада қатор муаммолар ҳам бор. Ҳунармандлар, косиблар бўлишига қарамай, фабрика ва цехлар очилмаяпти. Яқинда район ижроия комитети Қамаши қишлоғида гилам тўқиш фабрикаси, Касби қишлоғида қандолатчилик, кулолчилик цехлари очиш ҳақида область ижроия комитетига таклиф киритди. Ўйлаймизки, халқнинг эзгу орзу-ҳаваси бўлиб келган бу муаммолар ижобий ҳал этилади.

Исмоил ТУХТАМИШЕВ, область партия комитети мафкура бўлими мудири муовини:

— Маълумки, ўтмишда шаҳар ва қишлоқларнинг номи унинг қандайдир сифатини, белгисини, ўша юртнинг анъана ва маросимини англатган. Шаҳрисабз, Қарши, Китоб районлари аҳолисининг маданий тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Лекин халқимизнинг аҳлаковати маҳсули — баъзи тарихий обидаларимиз кўз ўнгимизда нураб бормоқда. Тарихда ўчмас из қолдирган Мирзо Бедил, Мир Қарший, Сайидо Насафий, Хиромий каби сиймоларнинг номи билан аталувчи маорифий, маданият муассасалари ҳам бармоқ билан санарли.

Афсуски, тарихимизни ҳали яхши биламиз, дея олмаймиз. Ўтган йили XV—XVI асрда яшаб ижод этган Амир Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достони нашр этилди. Унда қуйидаги сатрлар бор:

«Чун ғузар тушти шаҳи одилга,
Қаршидан Каспи деган манзилга».

Бунда гап вилоятдаги Каспи қишлоғи ҳақида боради. Лекин, мажмуада «Каспи — Каспий денгизи бўйларидаги ерлар» деб изоҳ берилади.

Маҳмуд Ибн Валининг «Сирлар уммони» китобида Каспи шаҳри Шайбонийхон даврида жаннатмакон бир жойга айланганлиги таъкидланади. Тарих саҳифаларида зарҳал ҳарфлар билан битилган бу муқаддас жойнинг харобага айланганлиги лоқайдлигимизнинг яна бир белгиси.

Қарши шаҳри 1936 йилга қадар Маҳмудхўжа Беҳбудий номи билан юритилган. 1919 йилда бу маърифатпарвар инсон Қаршида қатл этилган. Ҳозирга қадар ҳатто бирорта кутубхонага ҳам унинг номи қўйилмаган. Боқий элнинг ақида, анъаналари ҳам боқий бўлмоғи керак.

Давра суҳбатини «Совет Ўзбекистони» мухбири М. КАРОМОВ ёзиб олди.

Суратда: давра суҳбати қатнашчилари.

«МАЛИКА»ГА ТЕНГЛАШИБ

Сурхондарё вилояти, Денов районидаги «Ҳазорбоғ» совхозида машҳур «Малика» корхона номи билан юритилувчи кооператив очилган эди. «Малика» корхонаси маҳсулотлари катта ёшдагилар учун ҳам, кичик ёшдаги ўғил ва қизлар учун ҳам мўлжалланган. Энг муҳими, унинг ишга туширилиши билан мавсумий ишларни бажараётган аҳолини ишга жойлаш масаласи ҳал этилди.

Кооператив корхонада ҳозир 60 дан зиёд хотин-қиз ишламоқда. Улар асосан уй бекаларидир. Шартномага асосан уйга хом ашё олиб келиб, маҳсулотни ўз хонадонида тайёрлаш мумкин.

Корхона ўтган йилнинг апрель ойида ташкил этилган эди. Шу вақт ичида 500 минг сўмликдан кўп маҳсулот тайёрлашга эришилди.

Суратда: илғор ишчи Зулфия Нуржонова. У дастгоҳ бошқаришни тезда ўрганиб олди.

ЎзТАГ суратчи.

● КОМСОМОЛЬСК-АМУР

Маҳаллий электротехника заводида мотоцикларнинг камёб аккумляторларини ишлаб чиқариш кўпайтирилди.

Бунинг учун бу ерда ярим автомат линия қайта жиҳозланди. Мазкур линияда илгари мудофаа комплекси учун маҳсулот тайёрланарди. Корхонада конверсия доирасида енгил автомобиллар аккумляторларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш режалаштирилган. Бу, келаси йили узоқ шарқ регионида автоҳаваскорлари учун ўткир бўлиб турган муаммони ҳал қилиш имконини беради.

● ЛЕНИНГРАД

СССР Фанлар академияси Рус тили институтида «Қисқача пушкиншунослик қомуси» устида олиб борилаётган иш ниҳоясига етди.

Кўплаб жилдлардан иборат бўладиган тўла қомусни нашр этишга ҳозирча бизнинг фанимиз тайёр эмас, чунки пушкиншуносликда оқ доғлар, ечилмаган муаммолар жуда кўп. Хусусан, «Пушкин ва жаҳон адабиёти», «Пушкин ССР халқлари тилларида», «Пушкин театрда, музикада, кинода» каби мавзулар етарлича тадқиқ этилмаган.

● МИНСК

Белоруссиялик ҳужжатли кино усталари ҳам мамлакатда кенг ёйилаётган экология ҳаракатига қўшилдилар.

Режиссёр Юрий Цветков суратга олган «Днепр бўйлаб» деб номланган янги хроникал-ҳужжатли кинолента уларнинг «аъзоликка ўтиш бадали» бўлди. «Беларусьфильм» студиясининг суратга олиш группаси Днепр бўйлаб ўтказилган тарихий-экология экспедициясида иштирок этди. Дарё сувн ва соҳил зоналаридаги аҳволдан, Днепр бўйи ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қирилиб кетаётганидан жиддий ташвишга тушган олимлар ва журналистлар бу фожианинг сабабини аниқлашни таклиф қилдилар.

● АШХОБОД

Ф. Э. Дзержинский номидаги Ашхобод ип-газлама комбинатининг собиқ ходимлари ўз оилавий ҳамёнларига зарар етказмаган ҳолда кўзда тутилмаган харидлар қилдилар.

Корхона партия ташкилоти бирмунча муҳтож пенсионерларга ёрдам берди. Коммунистлар хайр-эҳсон учун ўз аъзолик бадалларидан маблағ ажратдилар. КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездга Ҳаракат дастури лойиҳасини очиқ партия йиғилишида муҳокама қилган коммунистлар партия бюджети таркиб топишини умуман ўзгартириб юборишни, яъни аъзолик бадаллари миқдори камайтирилиб, уларнинг кўп қисми қуйи ташкилот ихтиёрида қолдирилсин, коммунистлар тўплаган пул одамлар эҳтиёжи учун мутлақо ошкоралик билан тақсимлансин, деб таклиф қилдилар.

● КРАСНОАРМЕЙСК

Шаҳарда (Донецк области) истиқомат қилувчи ёлғиз ва кам таъминланган кишиларга 1 март кунидан бошлаб иссиқ, тушлик овқат берилди.

Шаҳар Совети ижроия комитети билан Совет меҳр-мурувват ва саломатлик фонди область бошқармаси уларга ана шундай ғамхўрлик кўрсатди. Қишлоқда яшовчи кам таъминланган ёлғиз кишиларга, ногирон бўлиб қолган байналмилалчи жангчиларга, Афғонистонда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ҳам бир марта берилади ган ёрдам кўрсатилади.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонуни ижроси тўғрисида

ТИЛИМИЗ ҚОТИБ ҚОЛМАСИН

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши тил маданиятини қайта қуриш масъулиятини юклади. Қонуний талаб нуқтаи назаридан қараганимизда кўп нарсаларни, аввало атамалар хўжалигини тартибга солиб, уларнинг ўз мавқеини тиклашимиз зарур. Бу соҳада жумҳурият атамашунослик қўмитаси тузилиб иш бошлади.

«Атамалар бурчаги»да эълон қилинган дастлабки 57 та ўзбекча атама асосан маъқул. Унинг айримларига аниқлик киритмоқчиман. Масалан, «клуб»ни «томошагоҳ» дейилибди. Бу — клуб маъносини англатмайди. «Томошагоҳ»нинг хизмати чекланган, клубнинг хизмат доираси томоша кўрсатишдан кўра кенгроқ. Унинг ташкилий, ташвиқий, тарғибий, тадбирий, тажрибий хизматлари анча. Шунинг учун ҳаммасини тўплама ифода қилиб «базму тадбиргоҳ» десакмикин? Шунингдек «район» сўзи «ноҳия» деб тавсия қилинган, аммо «ноҳия» арабча сўз бўлиб, «чегара, чекка, бурчак» сўзларини англатади.

Шунинг учун ижтимоий тузумимиз туфайли, ўз ўрами, чегараси бўлган маъмурий бўлиниш белгиси сифатида ҳаётга сингиб кетган «район» атамаси яшайвергани яхши эмасмикин? «Ноҳия» айтилиши қийин, эшитилиши эриш. Тавсияда «Сухой закон»нинг ўзбекча атамаси «қуруқ қонун» деб сўзларнинг хомаки таржимаси берилибди. Менимча, унинг ўз маъносини ифода қиладиган сўзлар билан яъни «Ичмаслик қонуни», «Ичкилик таъқиғи» деб айтилса соз бўлмасмикин?

«Атамалар бурчаги»га ўз навбатида мен ҳам деҳқончиликка, ер-сув ишларига, қишлоққа оид бир неча атамаларни таклиф этишга журъат қилдим. Маълумки, шу соҳадаги атамаларимиз жуда чалкашиб кетган. Деҳқончиликка оид кўп сўз, атамалар ҳамон хомаки таржима шаклида ясама ишлатиляпти.

Айниқса, ўзбек тилига «Агро» қўшилмаси ёпишмайди. «Агроном», «Агрохимия», «Агропром», «Агрономия», «Агрокомплекс» сингари ном ва атамалар тилимизга мажбурий киритилган сунъийликдир. «Ирригация», «Мелиорация», «Реализация» ҳам. Буларнинг ҳаммаси деҳқончилигимиз пайдо бўлган замонлардан бери ўз тилимизда бор гапларидир. Деҳқончиликда, ер-сув ишларида кўп учрайдиган ва сунъий ишлатиладиган атамаларнинг ўзбекча ифодаларини муҳокама учун тавсия этаман. Эҳтимол бу таклифим жумҳуриятимиз атамашунослик қўмитаси тузаётган изоҳли ҳамда таржима луғатларини такомиллаштиришга оз бўлса-да ёрдам берар. Менимча, матбуот, оммавий ахборот воситалари, деҳқончилик билан алоқадор идораю мансабдорларнинг кундалик ишига кўмаги тегар, деб умид қиламан.

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

аграрная политика — деҳқончилик сиёсати
аграрная программа — деҳқончилик дастури
агроном — илмдон деҳқон, агроном.
агрономия — деҳқончилик илми.
агрокомплекс — деҳқончилик жамланмаси
агропром — деҳқончилик саноати
агротехника — экин ўстириш расамати
агрохимия — экиндорилаш илми
арендатор — чоракор, ижарачи, пудратчи
архив — ҳужжатлар омбори, ҳужжатлар асраш жойи
архитектор — меъмор, биносоз, архитектор
архитектура — меъморчилик, биносозлик, архитектура
банк — маблағ бисотхонаси, банк
бюрократ — тўра, димоғдор
домдеҳқон — деҳқонлар уйи
грубое корма — пичан
импорт — чет эл маҳсулоти, импорт
инкубатория — урчитиш иситгичи, инкубатория
ирригатор — мироб, сув иншоотн арбоби, ирригатор
ирригация — сув тармоқлари
капитал — маблағ, бойлик
комбайн — ўруғ-янчуғ машинаси
колбаса — сўҳим қазиси, колбаса
консерва—тайёр тузлама гўшт, мева тузламаси
клуб — базму тадбиргоҳ, клуб
лобовой — пешойна (машинанинг пешойнаси)
магазин — дўкон, ўқдон, магазин
магазин сельхозпродуктов — деҳқончилик маҳсулоти дўкони
мелиорация — ер таркибини яхшилаш, мелиорация
мелиоратор — сув таркибини созловчи
мелкомбинат — тегирмон
милосердия — раҳмдиллик, меҳрибонлик
морадер — кафан ўғриси

Атамалар бурчаги

оператив — чаққон, дарҳол, ўша заҳоти
оптовий — улгуржи, бирваракайига, кўтара савдо
преподователь — домла, мударрис
преподовательница — отин, отинойи, мударриса
программа — дастур, мақсад, мурод, программа
программа передач — эшиттиришлар режаси
реализация — амалга ошириш, ижро этиш, сотиш, пуллаш,
рента — ер-сув ижара ҳақи
рентабельность — ўзини-ўзи қоплаш, зарар кўрмай ишлаш
сервант — жавонча, сервант
сельское хозяйство — деҳқончилик хўжалиги
селекция — навларни саралаш, селекция
селектор — сараловчи, хилловчи
сенокосилка — пичанўрғич, сенокосилка
силос — ачитма хашак, ачитма озуқа, силос
синоним — ўхшаш сўз, ўхшашлик
синоптик — об-ҳавони башорат қилувчи шахс
статистика — ҳисоб-китоб илми
сухой закон — ичмаслик қонуни, ичкилик таъқиғи
сушилка — пахта қуритиш жойи, қуритишхона
территория — тегара, ўрам
тотальний — буткул, ёппасига
тракторний парк — тракторхона
хозрасчет — ўзини-ўзи қоплаш; хўжалик ҳисоби

Раҳматулла Холмуродович МАЛЛИН

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Раҳматулла Холмуродович Маллин узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этди.

Р. Х. Маллин 1907 йилда Оқмачит (ҳозирги Қизил Ўрда) шаҳрида камбағал оилада туғилди. Ота-онасидан эрта жудо бўлди. 1922 йилгача деҳқон хўжалигида ишлади. Аҳёнаҳёнда мактабга қатнади. 1922 йилда Тошкентдаги ўзбек эрлар маориф институтига ўқишга кирди. Алоҳида вазифани бажарувчи қисмда жангчи бўлди. 1924 йил сентябрида уни Ленинград Давлат университетининг ишчилар факультетига юборишди. Р. Х. Маллин бу ерда Коммунистик партия сафига кирди. 1927 йилда ишчилар факультетини битиргач, Ленинград политехника институтининг физика-механика факультети студентлигига қабул қилинди. 1931 йилда олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг Ўзбекистонга ишга келди.

Р. Х. Маллин 1931-1941 йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида ишлади. Аввало, доирилфунунни ташкил этишда фаол иштирок этди. Физика-математика факультетига деканлик қилди. Умумий физика кафедрасини, назарий физика кафедрасини бошқарди. 1936 йилда доцент илмий унвони берилди.

Р. Х. Маллин 1942—1947 йилларда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида назарий физика кафедраси доценти бўлиб ишлади. У бу ерда 1944 йили кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Р. Х. Маллин 1947 йилдан 1967 йилгача Низомий номидаги Тошкент педагогика институтида назарий физика кафедраси мудири лавозимида меҳнат қилди. 1957—1959 йилларда институтнинг илмий ишлар бўйича проректори, 1961—1967 йилларда эса умумий физика кафедраси профессори вазифасини бажарувчи бўлиб ишлади.

Р. Х. Маллин 1967—1972 йилларда Тошкент давлат университетида физика факультети декани ҳамда назарий физика кафедраси мудири лавозимларида хизмат қилди.

1973 йили уни Тошкент Давлат педагогика институтига ўтказишди. У бу ерда 1986 йилгача назарий физика кафедраси профессори бўлди.

Р. Х. Маллиннинг майдон назарияси, электродинамика, физиканинг терминологик ва фалсафий муаммоларига оид асарлари кенг жамоатчиликка ва мутахассисларга маълум ва машҳурдир. Унинг ўзбек тилидаги дарсликлари ва ўқув қўлланмалари муносиб баҳоланган.

Унинг кўплаб шогирдлари ҳозир илмий-тадқиқот институтларида, давлат педагогика ва техника олий ўқув юртларида, мактабларда, Ўзбекистоннинг ва бошқа иттифоқдош республикаларнинг турли ташкилотларида муваффақиятли ишламоқдалар.

Р. Х. Маллиннинг самарали фаолияти медаллар, кўплаб фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилган. Раҳматулла Холмуродович Маллиннинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон саноат корхоналари касаба союз комитетлари раислари, ташкилотлар, илмий-муассасалар, колхозлар ва совхозлар раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

СССР «ГОСКОМИНТУРИСТ» ТОШКЕНТ БЎЛИМИ

1990 йил март — май ойларида ва сентябрь — декабрь ойлари мобайнида

ЛАТВИЯ ПОЙТАХТИ РИГА ШАҲРИГА ГРУППАЛАРНИ

Саёҳатга таклиф қилади

Саёҳат муддати 4-5 кун. Саёҳат ҳақи йўлкира билан — 358 сўм.

Туристлар Ригада бўлган чоғларида Латвия пойтахти тарихи, маданияти, анъаналари, замонавий архитектура ва тарихий обидалар билан танишадилар.

Туристларга қуйидаги имкониятлар яратилади:

Замонавий қулай «Латвия» меҳмонхонасида яшаш, ресторанда овқатланиш, интурист транспортида юриш, юқори даражадаги хизмат, экскурсиялар, маданий тадбирлар, шаҳардан ташқарига саёҳат, Юрмала, Пярну, Таллин, Шауляй шаҳарларига бориш.

Саёҳат учун нақд пул тўлаш ва пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

Батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этилсин. Тошкент шаҳри, Советская кўчаси, 2-уй. «Интурист»нинг маданий-ахборот маркази. Телефонлар: 33-82-36, 33-32-17, 33-84-62.

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ

токарь фрезерчи, штамповкачи, силликловчи, слесарь, йиғувчи-слесарь, ремонтчи-слесарь, созловчи оператор ва бошқа ихтисосликларга эга бўлган

ЁЛҒИЗ ЭРКАК ВА АЁЛЛАРНИ «ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИДАГИ МОСКВА АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Касби бўлмаган кишилар ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқув комбинатларида ҳунар ўрганадилар.

1-2 йил муддатга меҳнат шартномаси тузган ишчиларга қайтиб олмаслик шарти билан ёрдам пули, иш жойига етиб боргунча ва меҳнат шартномаси тугагач илгари яшаб турган жойига қайтиб келиш йўл харажатлари ва суткалик ҳақ тўланади.

Маълумотлар олиш ва шартномалар тузиш юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:

ШАҲАРЛАРДА: — аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўллаш марказларига;

РАЙОНЛАРДА — аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига;

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА — Т. Шевчеко кўчаси, 64-уй ва аҳолини ишга жойлаштириш район бўлимларига.

БАЛИҚ ОВЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҲАР ҚАНДАЙ БАЛИҚ ОВЛАШ

Сирдарё ва Амударё, **12 мартдан 10 июнгача;**
Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм вилояти сув ҳавзаларида, **26 апрелдан 10 июнгача;**

Шарқий Арнасойда, **16 апрелдан 1 июлгача;**

Чорвоқ сув омборида (форель ва пеляди балиқларини овлаш буткул тақиқланади) бошқа турдаги балиқлар, **26 апрелдан 31 майгача**

Тўпаланг ва Сангардак дарёларида — Амударё форели, **5 сентябрдан 25 октябргача;**

Сирдарё ва Арнасой кўллари доирасида (балиқларнинг оққайроқ ва лаққабалиқ сингари йиртқич турларини тутиш тақиқланади), **12 мартдан 31 майгача;**

Қолган бошқа сув ҳавзаларида ҳар қандай балиқ овлаш, **16 апрелдан 31 майгача.**

Барча балиқчилик хўжаликлари сув ҳавзаларида қайиқ моторларини қўлланилган сузиш воситаларида балиқлар урчийдиган паллада сузиб юриш

ТАҚИҚЛАНАДИ

«УЗБЕКРИБВОД».

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қорнёқубов номли ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
12 март соат 19.30 да

«ХОРАЗМ КУЙЛАГАЙ»

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ОЛМАХОН ҲАЙИТОВАНИНГ
35 йиллик ижодий фаолиятига бағишланган

ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

Программада Хоразм халқ ҳофизлари ва хонандаларн, «Лазги» вокал-хореографик ансамбли, Хоразм филармониясининг солистлари иштирок этадилар.

Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11 дан бошлаб сотилади.

«ОЗОДЛИК»НИНГ ЁҚИМСИЗ ОВОЗИ ЁКИ БИР СОХТА ХАБАР ТАРИХИ

3 март куни Паркентда бўлган воқеаларга эҳтимол, қайтишнинг ҳожати йўқ эди, чунки улар ҳақида республика газеталарининг 10 март сонида батафсил ёзилганди. Агар бир-биридан ўтадиган, бир-биридан тутуруқсиз миш-мишлар яна тарқалмаганида шундай қилган бўлур эдик. Бўкадаги воқеалар чоғида бўлгани каби «Озодлик» радиостанциясининг машъум овози яна миш-мишлар манбаига айланди. «Озодлик» радиостанциясининг ходими Виктор Резуньков ўз тингловчиларига мана нималарни айтиб берди:

«Кўпдан-кўп митингларда КПСС район комитети раҳбарлари истеъфога чиқишлари ҳақида чақириқлар янгради... Биринчи секретарь Исмоил Салимов милиционерларга тўпланганларни ўққа тутиш ҳақида буйруқ берди. Жами 30 киши ўлди, 130 дан ортиқ одам жароҳатланди. Улганлар орасида район партия комитетининг биринчи ва иккинчи секретари ҳам бор».

Исмоил Салимов жабрланди. Ҳозир мияси лат еган раҳбар Тошкент касалхоналарининг бирида даволанмоқда. Шифокорлар у билан қисқа муддат суҳбатлашишга рухсат этишди:

— Мен ҳеч қандай буйруқ берганим йўқ, дастлабки дақиқалардаёқ жароҳатланганлигим сабабли бундай қилишим мумкин ҳам эмасди. Мен милиция биносига ҳужум қилинганини ҳам кўрмадим. Иккинчи секретарь тирик ва соғ-саломат, у район партия комитетининг пленуми ишида қатнашди.

Бизнинг, шу жумладан менинг айбим район партия комитети бюроси аъзолари, фаоллар аҳоли ўртасида самарали тушунтириш ишларини олиб бора олмаганлигимиздадир.

Бу разил, иғвогарона рухдаги сохта хабар «Озодлик» радиостанцияси қўлига қаердан тушиб қолди? Ҳозир ҳам баъзи кишилар «Паркентдаги ғалаён учун қонли ўч олинганлиги хусусидаги бу ҳаққоний хабарни» тарқатиб юрибдилар.

Радиостанция «Бирлик» матбуот марказининг навбатчиси Ёдгор Обидовдан ушбу хабарни олганлигини айтмоқда. СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Ёдгор Обидов, маълум бўлишича, фақат «Озодлик» радиостанцияси билангина эмас, айни вақтда Испаниянинг «Эль Мундо» газетаси, Испания ахборот агентлиги, «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги, Москва норасмий ташкилотларининг «Гласность» журнали мухбирлари билан ҳам суҳбатлашган экан. Бу суҳбатларда ҳам, тахминан фақат ўша — «митингнинг тинч иштирокчилари ўққа тутилганида ўттизга яқин киши, жумладан гўрт ёшли гўдак ва ўн икки ёшли бола ҳалок бўлган» деб айтилади.

Республика прокурори ўринбосари вазифасини бажарувчи И. Р. Читаковнинг хабар қилишича, тўрт киши — гражданлардан 3 киши ва милиция ходимларидан бир киши халок бўлган, Ўзбекистон ССР республика ва ҳарбий прокуратуралари, Давлат хавфсизлиги комитети ходимларидан иборат тергов группаси тузилди ва у иш олиб бормоқда. Қурол ишлатилган ҳар бир ҳодиса синчиклаб текширилмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Паркент районида рўй берган оммавий тартибсизликлар тафсилотлари ҳамда оқибатларини ўрганиш комиссияси ҳам ишламоқда. Ана шу оғир ва машаққатли иш тугалланганидан сўнг комиссияларнинг хулосалари хабар қилинади.

Яқинда Паркент район партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланган Эркин Рўзиматовнинг телефон орқали айтишича, ички қўшинлар район марказидан олиб кетилган, халқ дружиналари тартибни муҳофаза қилмоқдалар. Кейинги 3 кун мобайнида аҳвол осойишта бўлиб турибди. Жамоат тартиби бирор марта ҳам бузилмади.

Миш-мишлар, шу жумладан «Озодлик» радиостанцияси ҳамда унинг «Бирлик»даги қўлбола хабарчилари тарқатаётган миш-мишларга келганда, уларга зарба беришга ҳаракат қиламиз. Халқимизга кимга тегишлигидан қатъи назар, туҳматдан иборат уйдирмалар эмас, фақат ҳақиқат керак.

Хабарни ЎзТАГ ҳузуридаги махсус матбуот группаси тайёрлади.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигида брифинг

10 март куни Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигидаги брифингга Тошкент шаҳри ва Тошкент области журналистлари ҳамда жамоатчилиги вакилларидан ташқари, партия комитетлари, совет ташкилотларининг ходимлари таклиф этилди. Мавзунинг муҳимлиги ва ўткирлиги туфайли муҳокама шу қадар кенг доирада ўтди: 3 март куни Паркентда содир бўлган воқеалар тўғрисида батафсил ахборот берилди. Брифингни республика ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Г. Гусев олиб борди. Шаҳар ва область ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг баъзи бошқа раҳбарлари ҳам саволларга жавоб беришди.

Ҳозирги вақтда махсус давлат комиссияси тузилган. Мазкур комиссия пухта текшириш олиб бормоқда. Унинг натижалари тўғрисида қўшимча равишда хабар қилинади. **(ЎзТАГ).**

ДАРОМАД МАНБАИ

Халқимизда эрта эккан — эрта ҳосил йиғиштиради, деган нақл бор. Бу нақлга амал қилган деҳқонлар эл дастурхонини сифатли маҳсулот билан таъминлаш билан бирга кўпроқ даромад ҳам қиладилар. Сурхондарё область Ангор районидаги «Ангор» совхози сабзавоткорлари ҳам эртаки ҳосил етиштириш ҳадисини олишган. Улар бу йил эртаки карам етиштириш учун ажратилган майдонларни яна 15 гектарга кўпайтиришди. Айни кунларда ўсимлик плёнкалар остида гуркираб ривожланмоқда. Бу апрель ойидаёқ ҳосилни йиғиштириб, истеъмолчиларга жўнатиш имкониятини беради. Деҳқонлар фақат республикамиз аҳолисига эмас, балки мамлакатимизнинг шимолий районларига ҳам кўплаб маҳсулот етказиб беришни мўлжаллашмоқда. Апрель ойи охирларигача 1,5 минг тоннадан зиёд сервитамин маҳсулотни шу районларга етказиб берадилар.

Айни кунларда сабзавоткорлар парваришни кучайтирмоқдалар. Шуниси қувончлики, сабзавотчилик хўжаликка катта даромад келтирмоқда. Ўтган йили ҳар гектар майдондаги эртаки карамдан 10 минг сўмдан зиёд соф фойда олинди.

Суратларда: 1. Бутун қиш бўйи плёнка остида ривожланган карам кўчатлари кўклам бошланиши билан қўёш нурида янада яхши ривожланмоқда. 2. А. Норқучев етакчилигидаги сабзавоткорлар бригадаси аъзолари.

И. ХУЖАЕВ олган суратлар. (ЎзТАГ).

СПОРТ СПОРТ СПОРТ

ЯХШИ НИЯТ ЎЙИНЛАРИГА

◆ Мамлакат спортчилари қатори жумҳуриятимиз ёшлари ҳам шу йил ёзда АҚШнинг Тошкент билан биродарлашган Сиэтл шаҳрида ўтказиладиган «Яхши ният ўйинлари»га пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Чунончи, енгил атлетикачилардан Радион Гатауллин билан Марина Шмонинанинг Европа чемпиони номига сазовор бўлишлари мутахассисларни беҳад қувонтирди. Шунингдек, таниқли сузувчи Сергей Заболотнов мамлакат чемпионатида маҳорат кўрсатиб, йирик халқаро спорт анжуманига муносиб номзод эканини намойиш этди.

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети ва Ички ишлар министрлигида

ҚУРОЛЛАНГАН ЭДИЛАР, БИРОҚ ЭНДИ ХАТАРЛИ ЭМАС

Февраль ойининг ўрталарида республика оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги ва ички ишлар органлари ходимларининг кенгаши бўлиб ўтганлиги тўғрисида хабар қилган эди. Кенгашда уюшган жиноятчиликка қарши кураш юзасидан амалга оширладиган тадбирлар кўриб чиқилди. Ушанда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг рэкет, талончилик ва қонунга зид бошқа ҳаракатлар билан шуғулланган жиноятчи гуруҳлар ва айрим шахслар фаолиятига чек қўйиш борасида олиб борилаётган ишларидан аниқ мисоллар келтирилган эди.

Ўтган бир неча ҳафта ҳам шундай воқеаларга анча «бой» бўлди. Шунинг учун Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети ва Ички ишлар министрлигининг матбуот хизмати таъмагирлик, республиканинг турли регионларида истиқомат қилаётган гражданлардан жисмоний ўч олиш билан пўписа қилаётган кимсалар жиноят устида қўлга олинганлиги тўғрисида янги маълумотлар берди.

Чунончи, 10 февраль куни Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ва Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети Тошкент область бошқармасининг қўшма оператив-тергов группаси политехника институтининг собиқ студенти, 1972 йилда туғилган ҳозирча шартли равишда Р. исмли йигитни қўлга олди. У ўзининг оғирлашган моддий аҳволини ўзига хос усул билан тузатишга қарор қилган — С. исмли граждан ва унинг оила аъзоларини жисмоний ўч олиш билан қўрқитиб, улардан катта ҳажмда пул талаб қилган. У ана шу пулни олаётган пайтда қўлга туширилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, дастлабки тергов чоғида олинган маълумотлар собиқ студент ёлғиз эмаслигини, у маълум гуруҳга кирганлиги ва ана шу гуруҳ аъзолари баъзи гражданлардан катта ҳажмда пул талаб қилиб, уларни қўрқитганликларини кўрсатиб турибди. Тергов ана шу гуруҳнинг барча аъзоларини аниқлаши керак.

27 февраль куни Термизда Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг Сурхондарё область бошқармаси ва Сурхондарё область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ходимлари илгари икки марта судланган ва ҳеч қаерда ишламайдиган 35 яшар В. исмли гражданинни қўлга олдилар. У халқаро машрутларда юк ташийдиган автокорхона ҳайдовчиларидан бирини қўрқитиб бойишга қарор қилган. Бу ерда ҳам таъмагирлик усули аввалгиларига ўхшаш бўлиб, ҳайдовчи ва унинг оиласидан жисмоний ўч олиш билан дағдаға қилинган.

Юқорида келтириб ўтилган фактларни тўла асос билан оддий воқеалар қаторига қўшиш мумкин. Шунинг учун Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг Самарқанд области бошқармаси, округ махсус бўлими ва область ички ишлар бошқармаси ходимлари амалга оширган иш алоҳида эътиборга лойиқдир. Уларнинг олдида қурол-яроғ билан савдо қилувчи гуруҳ жиноий фаолияти пайини қирқиш вазифаси турар эди.

Ана шу фирибгарлар Самарқанд гарнизони ҳарбий қисми омборидан қурол-яроғ ва ўқ-дори ўғирлаш билан шуғулланганлар, сўнгра уларни мўмай пулга сотганлар. Жиноий гуруҳни қўлга олиш юзасидан муваффақиятли операция ўтказилган. Операция чоғида еттита жангговар граната, Францияда ишлаб чиқарилган кўздан ёш оқизувчи газ солинган баллонча қўлга олинган. Гарчи ҳозирги пайтда ўғирланган барча қурол-яроғ қайтарилган бўлсада, қидирув давом этмоқда. Ҳарбий прокуратура ходимлари гарнизон ҳарбий қисми қурол-яроғ омборида тафтиш ўтказмоқдалар, Мазкур факт юзасидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 210-моддасига биноан жиноий иш қўзғатилди.

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг матбуот группаси.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг матбуот маркази. (ЎзТАГ).

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари ва аппарати президиум раиси ёрдамчиси III. А. Қўқонбоевга отаси

Аҳмаджон ҚУҚОНБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия, касаба уюшмаси ташкилотлари ҳамда музыка-педагогика факультети жамоаси мазкур факультет ўқитувчиси М. К. Қурбоновага онаси

Ҳамидова Муаззамхон ЭРГАШ қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институти жамоаси илмий ходим Р. Шарафутдиновага акаси

Сирожиддин ШАРАФУТДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари, физика факультети профессори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби

Раҳматулла Ҳолмуродович МАЛЛИННинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Р. — 02146. № 59.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12